

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 136 (392), 2021 йил 6 июль, сешанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
МАШИНАСОЗЛИГИ ВА
КИМЁ СANOАТИДАГИ ЛОЙИХАЛАР
КЎРИБ ЧИҚИЛДИПрезидент Шавкат Мирзиёев 5 июль куни
қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда кимё саноатидаги лойиҳалар
тақдироти билан танишди.

Бундан бир йил олдин, 8 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга оид қарори қабул қилинган эди. Унга мувофиқ, Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи, Агрегат заводи, Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи ва “Технолог” акциядорлик жамиятларининг устав капиталидаги давлат улушлари уч йил муддатга “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамиятига ишончли бошқарувга берилган эди. Тармоқ корхоналарининг рентабеллигини ошириш, маҳсулотлари сифатини яхшилаш ва таннархини пасайтириш вазифалари белгиланган эди.

Ўтган даврда Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводидаги ишлаб чиқариш майдонлари 68 фоизга мақбуллаштирилиб, ускуналардан фойдаланиш самарадорлиги оширилди. Натижада маҳсулот таннархи 4 фоизга пасайди ва қарийб 45 миллиард сўм иқтисод қилинди. Хорижий ишлаб чиқарувчилар билан музокаралар ўтказилиб, 80-100 от кучига эга бўлган тракторлар нархлари 15-20 фоизга арзонлаштирилди.

Минск трактор заводи билан ҳамкорлик ўрнатилди. Бу шериклик доирасида Ўзбекистонда ҳар йили 3 мингта трактор ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, корхоналарнинг технологик ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, қишлоқ хўжалигини замонавий техникалар билан таъминлаш бўйича ҳали вазифалар кўп. Тармоқда мавжуд қувватлардан фойдаланиш даражаси 19 фоиз, маҳаллийлаштириш ўртача 20 фоиз экани мутлақо қониқарли эмас. Маҳаллий техникалар нархи импорт техникаларга нисбатан 10-15 фоиз қimmat.

Шу боис, тақдиротда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластерини ташкил этиш, қувватлардан фойдаланиш ва маҳаллийлаштириш даражасини ошириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Тошкент шаҳрида жойлашган тармоқ корхоналарини Чирчиқ шаҳрига кўчириш ва уларнинг негизига қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластерини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Режага кўра, Тошкент ва Чирчиқдаги қишлоқ хўжалиги техникаси заводлари, Агрегат заводи, “Технолог” ва “ЎзКлас Агро” корхоналари саноат кластери усулида ягона майдонда жойлаштирилади. 1 минг 200 та ускуна ва жиҳоз, 28 турдаги техника оптималлаштирилиб, ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш

85 фоизга, маҳаллийлаштириш 50 фоизга етказилади. Натижада ишлаб чиқариш таннархи 20 фоизга пасайиб, корхоналарнинг рентабеллик даражаси 10 фоизга ошиши кутилмоқда.

Молия вазирлигига кластерни ташкил этиш билан боғлиқ дастлабки харажатлар учун 500 миллиард сўм ажратиш вазифаси қўйилди. Бу маблағ тармоқ корхоналарининг бино-иншоотлари ва майдонлари аукцион савдоларида сотилиши ҳисобидан қайтарилади.

Президентимиз маҳаллийлаштириш борасидаги ишларни давом эттириб, техникалар нархини арзонлаштириш бўйича кўрсатмалар берди. Хусусан, Минск трактор заводи билан ҳамкорликда ишлаб чиқариладиган тракторларни маҳаллийлаштириш даражасини келгуси йил 40 ва 2023 йилда 50 фоизга, “ЎзКлас Агро” бўйича бу кўрсаткични 25 фоизгача етказиш вазифаси қўйилди.

Шу билан бирга, маҳаллий техникаларни сотиб олиши учун фермер хўжаликлари ва кластерларга енгиллик яратиш зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда лизингнинг бошланғич тўловини 25 фоиздан 15 фоизга ва фоиз ставкасини 16 фоиздан 7 фоизга тушириш ҳамда лизинг муддатини 5 йилдан 7 йилга узайтириш таклифи билдирилди.

Халқаро тажрибани ўрганиб, қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

Тақдиротда кимё кластерлари ташкил этишга оид лойиҳалар ҳам кўриб чиқилди.

Хусусан, “Навоийазот” акциядорлик жамияти негизигади кластерда умумий қиймати 3 миллиард 400 миллион долларлик 23 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Уларнинг самарасида йилгига 1 миллиард 800 миллион долларлик маҳсулот тайёрлаш қуввати ва 3 минг 100 дан ортиқ иш ўрни яратилади.

Лойиҳалардан бири — карбамид-формальдегид концентрати ва смоласи ишлаб чиқариш корхонаси яқинда ишга туширилди. Сульфат кислотаси бўйича яна бир лойиҳа ҳам шу йил фойдаланишга топширилади.

Шунингдек, Навоий шаҳридаги “Электрохимзаводи” қўшма корхонасида углерод тоналари ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилади.

Тақдиротда пойтахтимизнинг Улуғбек шаҳарчасида илмий кимё кластерини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ
РАҲБАРЛАРИ ЎЗARO
MANΦAATЛИ ҲAMKOPЛИKНИНГ
DOЛЗAPБ MASАЛALAPИНИ
KЎРИБ ЧИҚДИЛАР5 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Президенти
Владимир Путин билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.


Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Халқаро кун тартибининг долзарб жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик, энг аввало, савдо-иқтисодий соҳадаги шериклиكنинг бугунги суръатини мамнуният билан қайд этдилар.

ЎЗА

Президентлар Афғонистоннинг шимолий ҳудудларидаги аҳвол ёмонлашиши муносабати билан Марказий Осиёдаги вазиятнинг ривожига алоҳида тўхталиб ўтдилар. Ўзбекистон ва Россиянинг ваколатли идора ва ташкилотлари ўртасидаги мунтазам мулоқотларни давом эттиришга ва яқиндан ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

МИНГ ШУКРКИ, ШУНДАЙ ДАВРЛАРГА
ҲАМ ЕТИБ КЕЛДИК

Ўзбекистон дунё ҳамжамиятига жадал кириб бораётгани сўнгги йиллардаги барча ўзгариш ва ютуқлар мисолида намойён бўлаётир. Бугунги кунда Президентимиз ҳар бир соҳа ривожига катта эътибор қаратмоқда. Мавжуд муаммо ва камчиликлар бартараф этилиб, ривожланиш, юксалишнинг мустаҳкам пойдевори яратилляпти.

Энг муҳими, биз ўзлгимизни, маданиятимиз, маънавиятимиз, тарихимизни янада тeрaнpoқ aнглaб бoряпмиз. Бугун дунё бизни, Ўзбекистонни тан олди. Юрдошларимиз, айниқса, кeлaжaк aвлoдиmиз бўлмиш ёшларимиз истeъдoдини ҳар соҳада нaмoён этиб кeлмoқдa.

Айниқса, Ўзбекистоннинг бугунги ривожланиши, дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини топа билишида давлатнинг ҳаётий дастурлари тузилиши ҳамда улар негизда салмоқли ва адолатли қарорлар, шунингдек, ҳаққоний фармонлар қабул қилинишида деб биламиз. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил

7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, бунёдкорлик салоҳиятини рўйбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратяпти.

Бугунги кунда юртимиздаги бошқа кўплаб соҳалар сингари қишлоқ хўжалиги тизимида малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Ҳабарингиз бор, Президентимизнинг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг

2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони эълон қилиниб, белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Бу тармоқ келажагини белгилловчи дастурга айланди. Унда белгиланган барча банд, вазифалар, албатта, мамлакат ривожининг асосий омилларидан бири бўлган қишлоқ хўжалиги истиқболи учун жуда муҳим ва қimmatлидир. Хусусан, она заминимиз, туپроқдаги гумус миқдорини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратайлик.

▶ Давоми 3-бетда

БОШ ВАЗИР ҚАБУЛХОНАЛАРИ

МУРОЖААТЛАР
ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПАДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 14 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш, бу борада олиб борилаётган ислохотларнинг янада чуқурлашишида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

тадбиркорлар, чет эллик инвесторлар билан ҳамкорлик қилиш, сайёр қабуллар ташкил этиш, таркибида турли соҳа ва йўналишларнинг мутасаддилари бўлган ишчи гуруҳлар билан биргаликда мурожаатларни кўриб чиқиш, қонуний талабларни жойида ҳал этиш, ечимини топмаган аризаларни ваколатли органларга юбериб, ижросини назоратга олиш, барча маълумотларни ягона интерактив порталга кириштириб бориш борасида самарали ишлар олиб бориляпти.

Мазкур фармон билан жойларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ташкил этилди ва бугун улар ишбилармонларнинг чинакам мададкорига айланди.

Жиззах вилоятидаги Бош вазир қабулхоналари томонидан ҳам

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллигига



ФАРҒОНА:

ЯНГИЛАНИШ, ЎЗГАРИШ, ТАРАҚҚИЁТ ОҒУШИДА

ҲАЁТБАХШ ИСЛОХОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Фарғоналиклар мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллик тантаналарини кўтаринкилик, ҳамжиҳатлик, яхши кайфият билан кўтиб олмақда.

Мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичида вилоятимизда иқтисодий эркинлаштириш ва модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ишлари изчил давом этапти. Бундай эзгу ишлар самараси шаҳар ва қишлоқлар, ҳар бир оила мисолида бўй кўрсатиб турибди.

Президентимиз ҳар гал Фарғонага келганда одамларимизнинг ташаббускорлик, бунёдкорлик борасидаги меҳнатларини алоҳида эътироф этади. Бу қалбимизга фахр-ифтихор, куч-ғайрат, шижоат бағишлайди.

Хусусан, шу йилнинг 4-5 февраль кунлари давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга қилган амалий ташрифи чоғида иқтисодий ривожланиш омиллари, халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги устувор вазифаларни белгилаб берди. Буларнинг барчаси одамларга ислохотлар самарасини эртага ёки узоқ келажақда эмас, балки бугун ҳис қилиб яшаш имкониятини бермоқда.

Вилоят шаҳар ва туманларини ривожлантириш, аҳолига қулай шарт-шароитлар яратишга эътибор қаратяпмиз. Бунда ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий келиб чиқиши, имкониятлари, истиқболдаги режалари инобатга олинмоқда.

▶ Давоми 4-5-бетда



БОШ ВАЗИР ҚАБУЛХОНАЛАРИ

МУРОЖААТЛАР ИЖОБИЙ
ЕЧИМ ТОПАДИ

Бошланиши 1-бетда

— Далил ва рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, жорий йилнинг ортда қолган даврида тадбиркорлардан Жиззах вилоятидаги Бош вазир қабулхоналарига бевосита 873 та, сайёр қабулларда 800 та, Call-марказ орқали 474 та, business.gov.uz портали орқали 114 та, жами 2261 та мурожаат тушган бўлиб, уларда кўтарилган 2617 та масала ижрога олинди, — дейди Бош вазирнинг Жиззах вилоятидаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудири Абдуоқи Фозибеков. — Ушбу мурожаатларнинг асосий қисми банк, молия, кредит, ер, кадастр ва архитектура, рухсатномалар, лицензиялар ҳамда хужжатларни расмийлаштириш, коммунал хизмат соҳаларига тааллуқли.

Қабул қилинган мурожаатларда кўтарилган масалаларнинг кўриб чиқиши 94 фоиз таъминланди, уларнинг 41 фоизи ижобий ҳал қилинди, 1385 тасига тушунтириш берилиб, қонуний асосга эга бўлмаган 15 таси рад этилди.

Шу ўринда Жиззах вилоятидаги Бош вазир қабулхоналарига тадбиркорлик субъектлари ва чет эллик инвесторлардан тушган ва ўзининг ижобий яқинини топган айрим мурожаатларнинг тафсилотларига тўхталиб ўтамиз.

Арносей туманида фаолият юритувчи якка тартибдаги тадбиркор Марқабой Ҳамроқулов “Хар бир оила – тадбиркор” давлат дастури бўйича 14 фоизли кредит олиш мақсадида “Агробанк”нинг туман филиалига барча хужжатларни тақдим қилган. Банк тадбиркорга қафолат хати берган ва шунга асосан мурожаатчи барча ускуналарни сотиб олган. Лекин негадир 2 ой вақт ўтса-да, ажратилган кредит маблағи чиқарилмасдан қоғозда қолиб кетаверган. Аммо тадбиркор икки ойдан бунён фаолият юритмаган бўлса-да, унга солиқ ҳисобланаверган. Мурожаатчи ана шу муаммоларни ҳал қилишда амалий ёрдам беришни сўраб Арносей туманидаги Бош вазир қабулхонасига ариза берди. Қабулхона аралашуви билан май ойининг 25-санасида М.Ҳамроқулов ҳисоб рақамига 33 миллион 240 минг сўм кредит маблағи ўтказиб берилди.

Бахмал тумани “Қутлугобод” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Насиба Имомова 2019 йилга қадар туманининг “Тараққиёт” массивида 5 гектар лалми ер майдонида фермер сифатида фаолият юритиб келган. Икки йил аввал эса туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими мутасаддилари мурожаатчидан мажбурий тарзда ер майдонини туман захирасига қайтариш бўйича ариза ёздириб олади. Н.Имомова ер майдонини ўзига қайтариб беришда амалий ёрдам сўради. Унинг мурожаати туман ҳокимлиги, туман кишлок ҳўжалиги бўлими, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими, Бахмал туманидаги бош вазир қабулхонаси томонидан батафсил ўрганиб чиқилди. Натижада туман ҳокимининг тегишли қарори билан мурожаатчига 2 гектар яйлов, 3 гектар лалми — жами 5 гектар ер майдони 30 йил муддатга ижарада фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилди.

Дўстлик туманида фаолият юритувчи “Боликулов Музаффар” фермер ҳўжалигига чорвачилик комплекси ташкил этиш учун АТ “Халқ банки” Дўстлик филиалидан Халқаро молия институтлари (МАР линияси) маблағлари ҳисобидан кредит ажратилган бўлиб, тузилган шартномага асосан 71 минг евро ушбу фирма ҳисоб рақамига ўтказиб берилган. Афсуски, орадан 3 ой вақт ўтса-да, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси масъул ходимлари тадбиркорга транзит рухсатнома берилишини асоссиз ортага суриб келган. Рухсатнома йўқлиги эса тадбиркорнинг чорва молларини хориждан Ўзбекистонга олиб киришига тўсиқ бўлган.

Бош вазир қабулхонаси ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамкорлиги натижасида Австрия давлатидан олиб келинаётган насли қорамолларни Беларусь Республикаси ҳудудидан транзит олиб ўтиш учун ушбу давлатнинг Қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини назорат қилиш департаментига сўров юборилди. Насли чорва молларининг мамлакатимиз ҳудудига олиб кирилишига эришилди.

Зомин тумани ҳудудига фаолият олиб бораётган “Олтин узум” ва “Муродбек-Қиличбек” фермер ҳўжаликлари раҳбарларининг

узумчиликни ривожлантириш, сув чиқариш учун қудуқ қазिश, ток қўчатларини сотиб олиш, экиш учун кредит сўраб қилган мурожаатлари ҳам “Агробанк”нинг туман филиали томондан пайсалга солинган. Ушбу мурожаатлар тегишлилиги бўйича молия муассасасига жўнатилди. Банк эса қисқа муддат ичида “Олтин узум” фермер ҳўжалигига 120 миллион, “Муродбек-Қиличбек” фермер ҳўжалигига 150 миллион сўм кредит маблағлари ажратди, мурожаатлар ижобий қаноатлантирилди.

— Бош вазирнинг Жиззах вилоятидаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонасининг беғараз кўмаги билан оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш, хунармандчилик, ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш дастурури доирасида 200 га яқин жисмоний ва юридик шахсга ўз бизнесини бошлаши учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит ажратилишига эришилди, — дейди қабулхона бош мутахассиси Диёр Ҳасанов. — 100 нафарга яқин тадбиркорга ер ажратилди, 25 нафар тадбиркорнинг солиқ тўловлари енгиллатилиб, лицензия ва рухсатномалар олиши, 30 нафар тадбиркорлик субъектнинг инфратузилма тармоқларига уланиши тезлашди. Умуман олганда, тадбиркорларнинг 550 дан ортқ турли муаммолари ижобий ҳал этилишида бизнинг ҳам камтарона ҳиссамиз борлиги қалбимизга мамнунлик бағишлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Бош вазир қабулхоналари фаолиятини янада самарали бўлишига улар қошида ташкил қилинган Тадбиркорларнинг жамоатчилиги кенгашлари алоҳида ҳисса қўшмоқда. Фаол тадбиркорлар, ҳуқуқшунослар, кенг жамоатчилик вакилларидан иборат мазкур кенгашлар қабулхоналарга тушаётган мурожаатларни таҳлил қилиш, ишбилармонларни ташвишга солаётган масала ва муаммоларни ўрганиш, уларни бартараф этишда катта ёрдам кўрсатаётир. Мазкур кенгаш томонидан билдирилаётган тақлиф ва тавсиялар мунтазам равишда Кичик бизнес ва тадбиркорлиқни ривожлантириш агентлигига маълумот учун юборилмоқда.

Худойберди КАРИМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР

Дилмурод АЛИМУҲАМЕДОВ,
бизнес омбудсман девонининг
етақки инспектори

Жаҳон амалиёти кўрсатадики, мулкчилик шакли ва тадбиркорлик фаолияти ривожига эътибор қаратилган давлатда иқтисодий ўсиш, барқарорлик ва тараққиёт бўлади. Мулкка эга ҳар бир тадбиркор ўз капиталини кўпайтиришга, уни ҳимоя қилишга, эркин тасарруф этиб, ундан фойдаланишга ҳаракат қилади.



ТАДБИРКОРЛАРНИНГ МУЛКИЙ
ҲУҚУҚЛАРИ ТАЪМИНЛАНСА
ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ БЎЛАДИ

Бу борада қулай шарт-шароит ярати беришдаги асосий субъект давлат ҳисобланади. Мулк ҳуқуқи дахлсизлиги ва ишончли ҳимоясини таъминламай

ҳоким қарори билан шартнома муддатидан олдин бир томонлама бекор қилиниб, ер майдони ҳокимлик захира фондига қайтарилган.



туриб, иқтисодий ривожланиб бўлмайд. Ушбу жараён халқаро ҳуқуқда ҳам ўз аксини топган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида “Ҳар бир инсон якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким ўзравонлиги билан ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас”, деб белгиланган.

Юртимизда мулк ҳуқуқини ҳимоялаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда ҳар бир мулкдорнинг қонуний йўл билан қўлга қиритган мулки дахлсизлигини таъминлашга қаратилган ишончли ҳуқуқий тизим яратилган.

Конституциямизнинг 53-моддасида “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуңлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини қафолатлайди”, деб белгиланган бўлиб.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларининг мулкий ҳуқуқлари, “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида”ги, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги қонуңларда, Фуқаролик кодексига ва бошқа уңлаб норматив ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган.

Янги фармон қандай
муаммоларга чек қўяди?

Президентимизнинг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шафқдорлиқни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор ақтивига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонидан ҳам ер участкалари хусусий секторларга мулк ҳуқуқи ва ижара асосида ажратилиши, кишлок ҳўжалигига мўлжалланган ерлар танлов асосида, кишлок ҳўжалигига мўлжалланмаган ерлар эса мулк ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн аукцион орқали ажратилиши белгиланган бўлиши ерга бўлган мулк ҳуқуқига эга бўлишда очиклик ва шафқдорлиқни таъминлаб беради.

Қўпчида амалиётда қуйидаги ҳолатга дуч келамиз: ҳокимликлар бир тадбиркорнинг ер участкасини асоссиз олиб қўйиб, бошқасига ажратиб беради. Натижада биринчи тадбиркор зарар кўради ва ўз фаолиятини юритиш ўрнига бузилган мулк ҳуқуқларини тиклаш билан овора бўлади. Мисол тариқасида Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатувчи “Fagm” фермер ҳўжалигининг (номи ўзгартирилган) мурожаатини келтирсак. Мазкур фермер ҳўжалиги ва Беруний тумани ҳокимлиги ўртасида 12,4 га ер майдонини узок муддатли ижарага ажратиб бериш тўғрисида шартнома тузилган. Аммо

Қонунчиликда ер участкасини ижарага бериш шартномаси тарафларнинг келишувига биноан, келишувга эришилмаган тақдирда эса суд томонидан бекор қилиниши белгиланган. Шу билан бирга, ҳокимнинг қарорида ердан фойдаланганлик учун тадбиркордан тегишли солиқларни ҳисоблаш ва ундириш масаласи ҳам қўшилган. Бизнес омбудсманнинг аралашуви билан Беруний тумани ҳокимининг юқоридаги қарори бекор қилиниб, фермер ҳўжалигига ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи тиклаб берилди. Қўрилиб турибдики, айрим ҳолларда давлат органлари томонидан тадбиркорга зарар келтирадиган қарорлар қабул қилинади.

Президентимизнинг юқорида номи зикр этилган фармони орқали бу борада янги ёндашув жорий этилди. Хусусан, барча ҳолларда ер участкалари фақат бўш турган ва захирага олинган ерлардан ажратилади, айнаи бир ҳужжат билан ёки бир вақтнинг ўзига ер участкасини олиб қўйиш, захирага олиш, бошқа шахсга ажратиш ер бериш тартибини бузиш ҳисобланади ва қонунга мувофиқ жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Бошқача айтганда, ҳокимликлар инсофли тадбиркордан фойдаланилаётган ер майдонини олиб қўйиш ваколатига эга бўлмайди.

Инсон омилсиз сотув
амалиёти

Ер участкаларини ҳоким қарори билан олиш инсон омилли маъжудлиги ва бэъзи қарорларнинг асоссизлиги туфайли жараёни мураккаблаштирар эди. Келиб чиққан ноаниқликлар тадбиркорларнинг ҳокимликларга нисбатан ишончини камайтира бори. Фармонда 1 августдан бошлаб кишлок ҳўжалигига мўлжалланмаган ерлар мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн аукцион орқали реаллизация қилиниши белгиланди. Янги тартиб орқали кўп йиллар давомида мавжуд бўлган мураккаб тизим электрон аукцион жорий этилиши билан янгиланди ва соддалаштирилди.

Таъкидлаш жоиз, электрон тизим нафақат ер майдонлари, балки кўчама савдо объектларига ҳам татбиқ этилади. Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 4 июндаги “Кўчама савдо фаолиятига ахборот технологияларини жорий этиш ва савдо автоматли орқали чакана савдо фаолияти билан шугулланувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

Хулоса ўрнида

Хусусий секторни ривожлантириш ва иқтисодиётни тез ривожлантиришда тадбиркорларнинг давлатга бўлган ишончи катта аҳамиятга эга. Мулкий ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилинганини ҳис этган тадбиркоргина ўз бизнесига бекавотир инвестиция қиритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши мумкин.

Демак, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш ҳар доим устувор вазифа бўлиб қолмоғи лозим.

қарорига кўра, 2021 йил 1 декабрдан бошлаб кўчама савдо фаолияти тадбиркорлик субъектлари томонидан кўчама савдо объектларини электрон тарзда “K-SAVDO” автоматлаштирилган ахборот тизимида рўйхатдан ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Шу билан бирга, кўчама савдо жойи (хусусий мулкдорларга тегишли жойлардан ташқари) кўчама савдо объектларининг жойлашиш схемалари бўйича “K-SAVDO” ААТ орқали электрон аукционда сотилади.

Қонунбузарлар кимлар,
тадбиркорми ёки?..

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ва давлат органлари қонунчиликда белгиланган меъёларга амал қилиши, уни ҳаётга татбиқ этиши лозим. Лекин давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари ҳам учрамоқда. “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вавил тўғрисида”ги ҳамда “Давлат божи тўғрисида”ги қонунларга кўра, Бизнес омбудсман тадбиркорлик субъектлари манфаатини қўзлаб берилган даъволар, аризалар ва шикоятлар юзасидан давлат божидан озод этилган.

Бизнес омбудсман тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда судларга даъво аризаси қиритиб, уларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиб келмоқда. Жорий йилнинг дастлабки 5 ойда бизнес омбудсман томонидан мулк ҳуқуқини тиклаш бўйича 70 дан ортқ даъво аризаси ва шикоят қиритилган.

Мисол учун, Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатувчи “Business” ХКга (номи ўзгартирилган) тегишли умумий майдони 137 квадрат метр бўлган савдо дўкони Тошкент шаҳар ҳокими қарорига асосан бузиб ташланган, аммо компенсация тўланмаган. Ушбу нотуғрар бино баҳоловчи ташкилот томонидан 761.420,155 сўмга нархланган. Шунингдек, етказилган зарарни қисман қоплаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими қарорига асосан, Миробод туманида жойлашган бинонинг 49 квадрат метр майдони 155.979.409 сўмга баҳолаб, “Business” ХКга расмийлаштириб берилган.

Фуқаролик кодексига асосан, олиб қўйилаётган ер участкасидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни ёки экинларни бузиб ташлашга зарарнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўлиқ қоплангунига қадар йўл қўйилмайди.

Аниқланган қонунбузилишларга қарши бизнес омбудсман томонидан тадбиркор манфаати йўлида Тошкент туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси қиритилди. Натижада суд қарори билан жавобгарлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Муниципал активларни бошқариш марказида “Business” хусусий қорхонаси фойдасига 605.441.155 сўм компенсация тўловини ундириб бериш белгиланди.

Яна бир мисол. “Lux” МЧЖ (номи ўзгартирилган) ўзининг мулк ҳуқуқи бузилганидан норози бўлиб, бизнес омбудсманга мурожаат қилган. Аниқланишича, ҳокимнинг қарори билан ер майдони давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олингани натижасида тадбиркорга тегишли 4 миллиард сўмга баҳоланган 87 квадрат метрли савдо дўкони бузилган. Ҳокимлик томонидан компенсация тўланмаган. Бизнес омбудсман туманлараро иқтисодий судга даъво аризаси қиритиши натижасида ҳокимлик ҳисобидан “Lux” МЧЖга қарийб 4 миллиард сўм компенсация тўлаб бериш вазифаси юклатилди.

ОГОҲЛИК

АНОМАЛ ИССИҚДАН
ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Шу кунларда дунёнинг қатор давлатларида бўлгани каби мамлакатимизда ҳам аномал иссиқ ҳаво кузатилмоқда. Ёзнинг бундай жазирама кунларида иссиқдан қандай ҳимояланиш мумкин.



Элмира БОСИТХОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазири
ўринбосари

Айни кунлардаги юртимизда об-ҳаво ҳароратининг 40-42, жанубий вилоятларда кузатилаётган 45-47 даражага қўтарилиши аномал иссиқ деб баҳоланади. Мутахассислар 41 даражадан юқори бўлган ҳароратни инсон организмига салбий таъсир кўрсатиши эҳтимоли баланд деб таъкидлайди. Бунда нафақат беморлар, балки соғлом инсонлар ҳам ўзини лоҳас сезиши ва қатор нохуш касалликлар юзага келиши мумкин.

Охириги йилларда сайёрамизда аномал иссиқликлар тез-тез содир

бўлаётгани ҳақида маълумотлар кўп. Тўғри, бизнинг мамлакатимиз иссиқ климатли мамлакат қаторига қиради. Лекин аномал иссиқда организмда кескин салбий ўзгаришлар бўлиши табиий.

Инсон организмнинг 70 фоиздан кўпроғи суюқликдан ташкил топган бўлиб, бу қон-томир тизимида муҳим аҳамият қасб этади. Қоннинг тизими фаолияти 36,6 ҳароратда ўз ҳужайраларини озиклантириш, қислород билан таъминлаш функцияларини меъёрида бажара олади. Аммо тана ҳарорати баланглаб кетганда, организмда салбий ўзгаришлар руй беради.


Шу боис, аномал иссиқ шароитида белгиланган умумий қондаларга амал қилишимиз лозим бўлади. Биринчи қоида — зарурат бўлмаганда кўчага чиқмаслик. Албатта жазирамадан ҳимояловчи бош кийим кийиб юриш талаб этилади. Чунки бош миядан катта артерия, вена қон томирлари ўтган бўлиб, жазирамада офтоб уриш эҳтимоли кучаяди.

Бундай шароитда табиийки, енгил ҳазм бўладиган таомлар ҳамда мева ва сабзавотлар истеъмол қилиш, кўпроқ суюқлик ичиш талаб этилади. Кофе, ширин, газланган сувларни истеъмол қилмаслик мақсадга мувофиқ.

Ҳавони яхши ўтказадиган, қуёш нурини қайтарадиган, кенг тикилган ва танага ёпишиб турмайдиган кийимларни кийиш тавсия этилади. Тўқ, хусусан, қора ва жигар ранг матодан тикилган кийимлар ўзига иссиқлик ва қуёш нурини кўп тортади. Оқ рангли кийимлар қуёш нурини яхши қайтариш хусусиятига эга.

Офтоб уриши ҳақида тана ҳароратининг кўтарилиши, терининг қизариши, ҳолдан тойиш, нафас олиш ва пульс тезлашиши, юракнинг тез уриши, бош оғриши, бош айланиши, кўнгил айниши, қайт қилиш, ҳўшдан кетиш ҳолатлари кузатилиши мумкин. Бундай пайтда офтоб урган одамни дарҳол соя жойга олиб, сочиқни муздек сувга ҳўллаб бошига қўйиш тавсия этилади. Бўйин ва қўлтиқ соҳасига муз бўлақлари қўйиш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Беморга оз-оздан суюқлик ичирилиб, тез ёрдам қачирилади.

Республика аҳолисини бундай шароитда муҳофаза қилиш, тез табиий ёрдам кўрсатиш учун Республика шовшилчн табиий ёрдам илмий маркази ва унинг ҳўдудлардаги 13 та филиали ҳамда 173 та туман ва шаҳар бўлимлари шай бўлиб турибди. Айни пайтда Соғлиқни сақлаш вазириликнинг “1003” қисқа рақамли Call-маркази фаолият кўрсатмоқда.



МИНГ ШУКРКИ, ШУНДАЙ ДАВРЛАРГА ҲАМ ЕТИБ КЕЛДИК

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

Бошланиши 1-бетда

Дастурда унинг миқдорини 2021 йилда 5 фоиз, 2025 йилда 10, 2030 йилгача эса 15 фоизга ошириш кўзда тутилган. Тупроқнинг унумдорлик ҳолати ҳамда дастурда белгиланган чора-тадбирларни амалга оширилиши натижасида республика агро-озик-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми 2021 йил учун 2,8 миллиард, 2025 йил учун эса 10 миллиард АҚШ долларига, яъни 3,5 баробар ошириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги яқинлашиб келаётган аснода қишлоқ хўжалиги бўйича эришилган бир қатор ютуқларни ёдга олиш фойдадан холи бўлмайди.

Мамлакатда деҳқончилик тизими буткул ўзгаририлиб, пахта яққаҳокимлигига бутунлай барҳам берилди. 1990 йилларда пахтачилик комплексида ғўза майдонлари 1 миллион 720 минг гектардан иборат бўлса, ҳозирда 1 миллион 033 минг гектарни, бошқоқли дон экинлари суғориладиган ерларда 1 миллион 283 минг гектарни ташкил этмоқда. Суғориладиган ерларда ғаллачиликдаги ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 22,2 центнер атрофида бўлса, сўнгги йилларда 61,6 центнерга, ялпи ҳосил 6 729 000 тоннага етди.

Деҳқонларимиз учун яна бир қувонарли ҳолатни айтидиган бўлсак, бошқоқли дон экинлари ўрмидан кейин, йилнинг сув таъминотида кўра, 800-900 минг гектар майдонга тақрорий экинлар экилмоқда. Бунинг ижобий томони, аввал беда, ғўза, маккажўҳори ҳамда бошқоқли дон экинлари экилган бўлса, ҳозирда тақрорий экин турлари 30 дан ошиб кетган. Ер ва сув ресурсларидан унумли фойдаланиб, бир йилда 2-3 марта ҳосил олиш, яъни қўшимча даромад келтириши баробарида яна қўллаб-қувватлашнинг янги механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ушбу йўналишда туб ўзгаришларга олиб келади. Чунки ҳусусий секторда ҳамда фермер хўжалиқларида турли сабабларга кўра, 10-30 фоизгача маҳсулот йўқотилади ёки стандарт сифати бўзилади. Бунинг асосий сабабларидан бири дастлабки сақлаш

ва қайта ишлаш тизимининг сустлигида, деб баҳолаш мумкин. Фермерлар ва шахсий хўжалик эгалари ҳам ортиқча маҳсулотларини нобуд қилмасдан, келишилган нархда топшириши мумкин бўлган ташкилот ёки корхона ҳар бир ҳудудда бўлиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки республикамизнинг барча саноат ташкилотлари деярли чиқитисиз

Давлатимиз раҳбари томонидан аграр таълим тизimini янада такомиллаштиришга катта эътибор қаратилиб, соҳани ривожлантириш бўйича бир қатор фармон ва қарорлар имзоланди. Улар мамлакатимизда аграр соҳани ривожлантириш учун дастуриламал ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу қарорларда таъкидланганидек, Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларида ҳамда янги ташкил этилган унга издош қишлоқ хўжалиги институтларида давр талабларига мос бўлган янги факультетлар ва кафедралар ҳамда сиртки таълим жараёни ташкил этилиб, улар ўз фаолиятини олиб бормоқда. Сўнгги йилларда дунёнинг 90 дан ортиқ етакчи олий ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Ҳозирги кунда университетда АҚШ, Германия, Россия, Польша давлатларининг 7 та олий таълим муассасалари билан тузилган ҳамкорлик шартномаларига асосан, 7 та бакалаврият таълим йўналиши ҳамда 6 та магистратура мутахассислиги бўйича қўшимча таълим дастурлари жорий этилган. Бу борадаги

ишлар университет филиаллари ҳамда янги ташкил этилган институтларда ҳам йўлга қўйилмоқда.

Сўнгги уч йилда АҚШ, Германия, Хитой, Жанубий Корея, Польша, Россия каби давлатларнинг 80 нафардан ортиқ етакчи мутахассислари иштирокида 150 дан ортиқ мавзуда вебинар дарс машғулотлари ва мастер класслар ўтказилди. Ўқув жараёнларига Германия, Жанубий Корея, Россия, Қозғистон дав-

адабиёти чоп этилди. Университетнинг 215 нафар педагог ходими ва илмий тадқиқотчиси чет элларда малака ошириш, стажировка ўтади, семинар ва конференцияларда иштирок этди.

Минг шукрки, шундай даврларга ҳам етиб келдик. Бу, албатта, замон талабига мос бўлган малакали кадрлар тайёрлашга ва ватанимиз қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшишига ишонамиз, уни янада мустаҳкамлашга барча имкониятларни жалб этмоқдамиз.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсати энди юқоридан бошқарилмай, ишлаб чиқариш талабларидан келиб чиққан ҳолда, Президентимизнинг қўрсатмаларига кўра, ишлаб чиқариш билан уйғунлаштирилиб, унинг ички тизимига ёндаштирилди. Натижада, тор соҳа мутахассисларини тайёрлаш тизими шаклланди. Мисол учун, авваллари чорвачилик мутахассиси деб диллом берилар, ушбу кадр чорвачилик бўйича умумий билимларга эга бўлиб, бевосита ихтисослиги кўрсатилмас эди. Ҳозирги даврда эса бевосита ҳар бир соҳа, чорвачиликнинг ҳар бир тури бўйича етук малакали кадрлар тайёрлашни тақозо этмоқда. Қорамолчилик, қўй-эчкичилик, қуёнчилик, балиқчилик, асаларичилик, уларга озуқа етиштириш ва бошқалар. Худди шунингдек, агрономлик, ўсимликшўнослик, сабзавотчилик ва бошқа йўналишлар ҳам шуни талаб этиб, бошқоқли дон экинлари, пахтачилик, мойли-дуккакли дон экинлари, шолчилик, доривор ўсимликлар, очик ва ёпиқ муҳитда деҳқончилик юритиш, лимончилик ва бошқа тор соҳа мутахассисларига талаб юқори бўлиб борапти. Шуларни инобатга олган ҳолда, янги кафедралар, факультетлар ва магистратура йўналишлари ташкил этилиб, юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизimini кескин такомиллаштирилди. Шуниси қувонарлики, ушбу янги йўналишларда тайёрланаётган кадрларга қизиқиш, талаб, ишлаб чиқарувчилар томонидан юқори бўлиб, уларни эгаси, яъни иш ўринлари ҳозирданоқ тўлиқ қафолатланган дейишимиз мумкин.

латларидан 15 нафар мутахассис жалб этилди. Хорижий олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда долзарб йўналишлар бўйича 7 та ўқув

Мухтасар айтганда, Президентимиз томонидан ўз вақтида қабул қилинган долзарб ва истиқболни кўзлаган қарор ҳамда фармонлар, бундай самарали ўзгаришларнинг негизи, яъни, мамлакат қишлоқ хўжалиги комплексини қайта қуриш, барча механизмларни бозор иқтисодиётига тўғри йўналтириш, илм-фан ва кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилиши ҳамда бошқа қатор муҳим масалаларнинг ютуғи эканлигини кўрсатмоқда. Демак, самарали қарор ва ижро келажакнинг серҳосил мевасидир.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ФЕРМЕРБОП ВА ЭКСПОРТБОП ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНА-МЕХАНИЗМЛАРИ

Ерни сифатли шудгорлаш, уруғни пуштага аниқ тушириш, ҳосилни нест-нобуд қилмасдан ўриб олиш каби дала ишлари учун фермер ёки деҳқонга замонавий машина-механизмлар керак. Албатта, бундай техникалар конструкциясининг содда ва пухта бўлиши, ёқилғини кам ишлатиши, юқори самарадорлиги, бошқаришга, техник хизмат кўрсатишга қўлайлиги муҳим ўрин тутайди. Дала шароитида юқори сифатга эга машиналар узоқ муддат ишлайди, фермерлар тез-тез янгисини сотиб олишдан ва ортиқча харажатдан қўтилади.

Олимлар, конструкторлар ва муҳандис-машинасозлар қишлоқ хўжалиги техникаларининг янги намуналарини лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш жараёнларида худди шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратади.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтиде яратилган тупроққа қатламли ишлов берувчи плуглар, пахта териш машиналари, курак йиғадиған ва чувиғидиган агрегатлар, каноп ўриш комбайнлари, тўрттадан олиттаганча тиркамини юки билан тортадиган тракторлар худди шундай хусусиятларга эга. Шу сабабли улар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига кенг жорий этиляпти ва қўллаб-хорижий давлатларга экспорт қилиняпти.

— Институтимиз олимлари 2021 йилда 4 та инновация, 1 та халқаро ҳамкорликдаги, 2 та тажриба конструкторлик, 4 та тижоратлаштириш лойиҳалари бўйича илмий-амалий тадқиқотлар олиб бормоқда, — дейди Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари, техника фанлари доктори, профессор Муҳаммад Тошболтаев. — Хусусан, анор туллари кўмадиган ва очадиган машинани олайлик. Маълумки, ушбу жараёнлар деҳқон ёки фермердан катта заҳмат ва харажат талаб қилади. Анор

туллари кўмадиган ва очадиган машинани олайлик. Маълумки, ушбу жараёнлар деҳқон ёки фермердан катта заҳмат ва харажат талаб қилади. Анор

туллари кўмадиган ва очадиган машинани олайлик. Маълумки, ушбу жараёнлар деҳқон ёки фермердан катта заҳмат ва харажат талаб қилади. Анор

ишлаб чиқариш билан боғлиқ меъёрий-техник ҳужжатлар тайёрланди, улардан дала шароитида фойдаланишга доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қишлоқ хўжалик экинлари уруғини тозалаш учун универсал қурilmанинг яратилиш жараёни ҳам шундай кечди. Унинг энг муҳим жиҳати шундаки, электр энергияси сарфи 2-3 мартага камайиб, қишлоқ хўжалик экинлари уруғини ҳар хил зарарли аралашмалар ва бегона ўтлардан тозалаш учун сарфланадиган қўл меҳнатига барҳам

беради. У ихчам ва универсал бўлиб, исталган турдаги уруғни саралай олади.

Тупроққа текис ишлов берадиган ресурстежамкор технологиялар ва техника воситаларини ишлаб чиқиш йўналишидаги изланишлар ҳам бесамар кетмаяпти. Хусусан, янги яратилган плуг тупроқни ағдариб майинлаштиради ва ернинг текис ҳайдалишини таъминлайди. Ернинг катта-кичиклигига қараб, унда қўлланиладиган техниканинг ҳар хил турдаги нусхаларига буюртма бериш мумкин. У ҳар қандай хорижий қурилма билан бемалол рақобатлаша олади. Айни пайтда параметрлар асосида плугнинг саноат нусхасини тайёрлаш учун Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик марказига топширилган.



— Маълумки, кейинги пайтда ғўза қатор ораларига бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини экиш тажрибаси кенг қўлланиляпти, — дейди техника фанлари доктори Абдурауф Иброҳимов. — Масалан, жорий йилда чигит билан бирга 100 минг гектар майдонга соя экилди. Олимларимиз томонидан дон экадиган комбинациялашган агрегатнинг саноат нусхалари ишлаб чиқилди. Тез орада фермер ва деҳқонларимизга ғўза қатор ораларига ва очик майдонларга дон экадиган янги, самарали агрегатни тақдим этамиз.

Бир ўтишда ғўза тулларидаги ҳосилнинг 96-98 фоизини териб оладиган пахта қўсақларига интенсив ишлов берувчи терим аппаратининг саноат нусхаларини ясаш, давлат ва дала синовларидан ўтказиш ишлари олиб бориляпти. "Технолог" корхонасида унинг саноат нусхаларини тайёрлашга киришилди. Бундай терим аппаратлари билан жиҳозланган пахта териш машиналари қўл меҳнатига ва хориждан валюта эвазига импорт қилиш харажатларига чек қўяди.

Тупроққа қўрсатадиган босими тез

ва енгил ростланадиган кенг қамровли осма мола-текислағични тижоратлаштиришга тайёрлаш мақсадида тажриба конструкторлик ишлари шу йил охирига қадар якунланади. Лойиҳага кўра, тупроқнинг ҳолатига қараб, унинг сатҳини зичловчи босим қучи тракторчи томонидан кабинада туриб бошқарилади.

Пахта далааларига трихограмма қўллаш тўла механизациялаш тўфайли ғўза қатор ораларига энтомофагларни қўлда тарқатишига барҳам берилади. Иш унуми ошади, тўпланган ғўза ҳосили сақлаб қолинади.

Бу янги лойиҳалар Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтиде амалга ошириляётган ишларнинг муайян жиҳати, ҳолос. Олим-конструкторларнинг изланишлари деҳқонлар меҳнатини енгил қилишга, уларни нисбатан арзон ва сифатли, иқлим шароитига мос, таъмирлаш, ишлашга қўлай машина ҳамда механизмлар билан таъминлашга қаратилгани билан эътибор ва эътирофга молик.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири



ФАРҒОНА: ЯНГИЛАНИШ, ЎЗГАРИШ,

ҲАЁТБАХШ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Аваз ЎРИНБОЕВ,
Фарғона вилояти ҳокимининг
биринчи ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Фарғона шаҳридаги Мустақиллик мавзесида қуриладиган кўп қаватли уй-жойларни қўрган одамнинг ақли шошади. Бу ишларга туркиялик лойиҳачилар жалб этилган. Марғилон шаҳри ҳудудини 700 гектарга кенгайтириш, кўҳна Қўқоннинг Муқимий шаҳарчасида 12, 16 ва 18 қаватли замонавий уйлар қурилиши жадаллик билан бормоқда. Давлат идоралари, маъмурий бинолар, тадбиркорлик марказлари, йирик савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқлари, ҳунармандлик марказлари қуриляпти.

Фарғона ҳалқа йўли бўйлаб электропоездлар қатновини, “Қўқон” эркин иқтисодий саноат зонасида мультимодал логистика марказини ташкил этиш, тажриба тариқасида чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш кластери фаолиятини йўлга қўйиш борасида янги лойиҳаларни ишга тушириш, аҳолининг тоза ичимлик сувага бўлган талабини қондириш

йўналишларидаги амалий ишлардан аҳоли мамнун.

Фарғона саноат касб-ҳунар коллежи негизида ишсиз аҳолига хизмат кўрсатувчи “Ишга марҳамат” мономаркази ташкил этилди. Мазкур марказда аҳолини 16 та касб ва чет тилларга ўқитиш орқали маҳаллий ҳамда хорижий иш берувчиларнинг талабларига мос малакали мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бугунги кунда “Ишга марҳамат” мономарказига 14 та касб бўйича 497 киши жалб этилди.

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни тадбиркорлик асосларига ўқитиш ҳам алоҳида эътиборда. Вилоятда жами 10 123 та ёш ўқитилиши режалаштирилган бўлиб, бугунгача 5575 нафар йигит-қиз тадбиркорлик курсларини тугатди. Сертификат олган 5111 нафар ёшнинг 1498 нафарига 39 миллиард сўм кредит ажратилди.

Ҳар соҳада ривожланиш, янгиланишлар буй кўрсатмоқда. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамми сезиларли даражада ўсди. Бунда, айниқса, кичик бизнеснинг улуши ортиб бораётгани кўнонароли. Рақамлар тили билан айтганда, янги ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши 67 фоиздан ошди.

Жойларда озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, тўқимачилик, кийим, тери, нефть, кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлари ишлаб чиқариш салмоғи ортиб бормоқда. Шу кунга қадар 1884 та янги саноат корхонаси ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 9 557 тага етди.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор таъминлаш, мева-сабзавот, картошка, гўшт, тухум, асал, балиқ етиштириш ҳажмини ошириш юзасида муайян ишлар қилинмоқда. Шу кунга қадар 4 826 гектар ер майдони қайта фойдаланишга киритилди.

Кейинги уч йилда картошка етиштириш 24, сабзавот 29, мева 12 фоизга ўсди. Мева-сабзавотчилик йўналишида кластерлар фаолияти йўлга қўйилгани маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва экспортга йўналтириш ишларини янги босқичга олиб чиқмоқда. Жорий йилда 20 та кластер томонидан 170,7 минг тоннадан ортиқ маҳсулот етиштирилди. Ўтган йилнинг ўзида фарғоналик соҳибкорлар сайёҳаракати билан 17,3 миллион долларликдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинди.

Вилоятимиз сув манбаларининг асосий қисми қўшни республикалардан келувчи дарёлар сувлари ҳиссасига тўғри келади. Бу мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни тақозо қилади. Шу мақсадда жорий йилда 29 та истиқболли лойиҳа доирасида 65 миллиард сўмликдан ортиқ ирригация-мелиорация тадбирлари амалга оширилди. Натижада 298 миллион куб метр сув тежаллиб, қўшимча 25 минг гектардан ортиқ майдонда тақрорий экинлар экиш учун имконият яратилди. Ҳосилдорлик 10-15 фоиз ошди, маҳсулот етиштириш билан боғлиқ харажатлар камаюди. Вилоят ҳудудидagi сув хўжалиги объектларида 9 та “ақлли сув” қурилмасини ўрнатиш, 205 та мелиоратив кузатув кудугини он-лайн мониторинг тизимига ўтказиш ва 2 та йирик гидроузени автоматлаштириш, 410 та сув ўлчаш иншооти ва 250 та тик қудуқда онлайн режимда масофадан бошқариш тизимлари жорий қилинади.

Юрт тараққиёти, эл фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ичимлик ислохотлар, ҳаётбахш дастурлар ижросини таъминлашда инвестициянинг ўрни жуда муҳим. Сўнгги тўрт йилда халқаро ташкилотлар, сармоядор, ишбилармон ва сайёҳларнинг юртимизнинг жаннатмакон бўлиши — Фарғонага бўлган қизиқишлари ортиб бормоқда. Хусусан, 2018 йилда 105,3 миллион АҚШ доллари миқдориди



хорижий инвестиция ўзлаштирилган бўлса, утган йили бу борадаги кўрсаткич 410 миллион долларни ташкил этди. Бугунги кунда хорижий давлат капитали ишторкида фаолият юритаётган корхоналар сони 493 тадан ошди.

Истиқболли инвестицияларни жалб қилишда нафақат давлатлар, балки ҳудудий ҳамда институционал ҳамкорлик йўналишлари ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида таълим, маданият, савдо-иқтисодий соҳаларда кўлаб битимлар имзоланмоқда. Бу ҳамкорлик туфайли Марказий Осиёда ягона бўлган рентген, тошдан қороз, цемент ишлаб чиқариш бўйича истиқболли корхоналар ишга туширилди. Таълим соҳасида Латвиянинг Исма, Жанубий Кореянинг КИУФ каби олий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилляпти. Юридик, консалтинг, меҳмонхона, интернет, сугурта, молия ва банк соҳаларидаги ширкатларнинг янги ва замонавий турлари кўпайиб бормоқда. Натижада рақобат муҳити кучайиб,

2,2 триллион сўм бўлган 114 та лойиҳа амалга оширилиб, 3475 та янги иш ўрни яратилади.

Пахта хомашёсини қайта ишлаш маҳаллийлаштирилмоқда. Кейинги уч-тўрт йилда енгил саноат корхоналари модернизация қилиниши, янги ташкил этилган истиқболли лойиҳалар ҳисобига хомашё маҳаллий шароитда тўлиқ қайта ишланиши натижасида пахта толаси импорти кескин камайдди. Жорий йилда 24 та корхона томонидан 167,4 минг тонна пахта толаси ўзлаштирилиши ва 393 миллион долларлик тайёр маҳсулот экспортга йўналтирилиши режалаштирилган. Бу йўналишда умумий қиймати 127,8 миллион доллар бўлган 75 та лойиҳа, пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан хомашёни чуқур қайта ишлашни ташкил этиш бўйича эса 37 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилди. Бу бир вақтнинг ўзида 6 200 дан ортиқ доимий ва 8 мингдан ортиқ мавсумий иш ўрни яратиш имконини беради.

Вилоятимизда кичик саноат зоналари фаолияти кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни кунда 19 та ҳудудда 528,4 гектар майдонда 68 та қўшимча янги кичик саноат зонаси, шундан 23 таси ёшлар кичик саноат зонаси ташкил этилди. Шу кунга қадар 520 та янги инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, уларнинг 56 таси йил якунига қадар ишга туширилди. Натижада 121,1 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлаш ва 1260 нафардан зиёд кишини иш билан таъминлаш режалаштирилган.

Шу мақсадда инфратузилма объектларини қўриш ишларини тизимли олиб бориш учун Президентимизнинг 2021 йил 30 апрелдаги “Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, 19 та кичик саноат зонасига 42,2 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Хулоса қилиб айтганда, фарғоналиклар мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида ҳар жаҳада фаол. Улар истиқболимизнинг кулфуг 30 йиллигини барча соҳаларда муносиб ютуқлар билан кўтиб олмоқда.

Ёшлик – жўшқинлик ва шижоат фасли

Муҳаммадамин ҒАНИЕВ,
Ёшлар ишлари агентлиги
Фарғона вилояти бошқармаси
бошлиғи

Фарғоналик бунёдкор ёшлар мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллигини ўзига хос ўзгариш, янги ташаббуслар билан қарши олмақда. Ёшлар билан ишлашнинг янги механизми илк бора Фарғона тажрибаси сифатида амалиётга таъбиқ этилмоқда. Бу тизим нимаси билан афзал? У ёшларга нима беради?

Бугунги ёшларнинг режаси, улар билан қилинадиган ишларнинг аниқ манзараси — платформаси бор. Яъни бугун қаерда, қанча ёш яшайди, нима билан банд, қандай муаммо уларни ўйлантиряпти? Булар манзилли ўрганилди, “Ёшлар дафтари”га қайд этилди. Ёшларнинг муаммоларини бартараф этиш, ташаббусларини кўллаб-қувватлаш масаласини 4 та сектор кесимида ҳал этиш бўйича аниқ дастур ишлаб чиқилди.

Вилоятда 1 миллион 261 мингдан зиёд ёш истиқомат қилса, улардан 81 минг нафарининг ишсизлиги хатлов асосида аниқланган. Демак, олдимизда уларнинг бандлигини таъминлашга қўмаклашиш вазифаси турибди. Бу борада “Хар бир ёшга — бир гектар”, “Ус-тоз-шоғирд”, “Тадбиркор — элга мададкор” лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, ҳунарнинг бирор турига ихтисослашган маҳаллаларни кўпайтириш орқали ёшлар бандлигини таъминлашда самарали натижаларга эришилди.

Ишлаш истагида бўлган йигит-қизларга ер ажратиш тизими тажрибадан ўтмоқда. Бугунги кунга қадар ҳар бир ёшга 10 сотихдан 25 сотихгача, жами 11 минг гектар қишлоқ хўжалиги ерлари ажратилди. Бундан ташқари, “Хар бир ёшга — бир гектар” лойиҳаси доирасида 481 гектар ер майдони “Ёшлар дафтари”га киритилганларга бўлиб берилди. Ерли бўлганларнинг аксарияти бир неча йиллар хорижда меҳнат муҳожири бўлган, ўз қишлоғида иш тополмай, яна четга чиқиб ишлашни режалаштириб турган йигитлар эди. Қувонарлиси, ер бериш тизими орқали вилоятда қарий 36 минг ёшнинг бандлигига эришилди.

Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси томонидан 679 нафар йигит-қиз тадбиркорликка ўқитилиб, уларнинг 100 нафарига ўз бизнесини йўлга қўйиши учун имтиёзли кредит олишини кафолатловчи сертификатлар берилди.

Ёшлар билан ишлашнинг янги тизими Фарғонада ўзининг ижобий самарасини кўрсатаётганини эътироф этишимиз жоиз. Бу тизимнинг муваффақияти нафақат ўзини, балки 100-200 тенгдошини ҳам иш билан таъминлаётган оддий қишлоқ ёшлари тақдирини ўз ифодасини топмоқда. Бунга ҳавас қилса арзигулик амалий мисолларимиз жуда кўп.

Олтиариқлик Мавсумжон Умаров уч йил аввал ёлланма ишчи эди. Лекин деҳқончиликка яхшигина укуви бўлган қишлоқ фарзанди бугун тумандаги йирик кооперациянинг асосчиси ва бошқарувчиси. У 20 йилдан бери қаровсиз ётган, ташландик ерни обод қилди, “Мавсум агрологистика” ёшлар кооперациясини ташкил этиб, иссиқхоналар барпо этди, ёшларга фойдаланиш учун ажратди. Дастлаб 54 ишчи билан фаолият бошлаган Мавсумжон бугун 200 нафарга яқин ёшни кооперация атрафида бирлаштирди. Кооперация келгусида ҳудуддаги 300 гектар адир ерни ўзлаштиришни, бу орқали яна юзлаб иш ўринлари яратишни мақсад қилган. Қолаверса, Мавсумжон Умаров бошчилигида 37 гектар майдонга узум қўчатлари ўтказилиб, парваришланяпти.

29 ёшли тадбиркор Отахон Хайруллаев вилоят ҳокимлиги, Ёшлар ишлари агентлиги

кўмаги билан ўз бизнесини йўлга қўйди. 8 йил давомида Хитойнинг нуфузли компанияларидан бирда фаолият кўрсатиб келган ўзбек йигити юртимиздаги ёшларга яратилган имкониятлар сабаб юрта қайтди. Айни пайтда Фарғона шаҳрида замонавий “Tantana hotel” меҳмонхонасини ташкил этиб, 25 нафар ёшни иш билан таъминлади. Фарғона кичик саноат зонасида 1,2 гектар майдонда лойиҳа қиймати 1,2 миллион долларлик, иссиқхоналар учун плёнка ва бошқа зарур конструкцияларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхонани қуриб битказмоқда. Йил якунига қадар қурилиш-монтаж ишлари якунланади, 300-350 нафарга яқин ёш иш билан таъминланади.

Тошлоқлик Хусниддин Исмоилов “Ёшлар — келажакимиз” жамғармасининг 320 миллион сўм кредити асосида мебель чеҳи қилди. Ўнлаб тенгдошларини хунарни, ишли қилди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, ёшлар — бебаҳо хазина. Бу хазина эса юксак истиқболли мақсадлар йўлида сарфланиши, яъни меҳнат қилиши, ишлаши керак. Зотан, сизу бизнинг қалбимизда “Янги Ўзбекистонни ёшлар билан бунёд этамиз”, деган юксак ишонччи оқлаш мақсади ҳар куни уйғоқ туриш — шараф.



“ҚЎҚОН” ЭИЗ: ФАОЛИЯТ КЎЛАМИ КЕНГАЯДИ

Фарғона вилоятида ҳам ташқи бозорда талаб юқори, рақобатбардosh маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг таъминлайдиган минерал хомашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилиш учун қўлай шароитларни яратишга қатъия эътибор қаратилмоқда.

“Қўқон” эркин иқтисодий зонаси ана шундай истиқболли лойиҳалар амалга ошадиган масканга айланган. Умумий майдони 709,3 гектардан иборат 3 ҳудудга бўлинган ЭИЗда бугун ҳаёт қайнамоқда. Фақат тош-шағалдан иборат бўлган ҳайотдек майдон кундан-кунга обод бўлиб бораёпти.

ЭИЗда яратилган қўлайликлар ишбилармонларни янги лойиҳалар устида ишлаш, изланишга ундамоқда. Бу ерда 48 та лойиҳа амалга оширилиб, 2000 тадан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

“Ипчи зиё барака” масъулияти чекланган жамияти бу ерда маҳаллий хомашёдан сунъий ип ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Тикувчилик


ва тўқимачилик тармоқлари учун зарур бўлган маҳсулот турлари шу пайтга қадар Хитой, Туркиядан келтирилган. Ишга туширилган янги лойиҳа бу борадаги ортиқча харажат ва овозарачиликларга барҳам берди. Корхонада ҳар куни 3 тоннадан ортиқ харидориги маҳсулот ишлаб чиқарилади.

—“Аёллар дафтари”да тураман. Маҳалламизга яқин жойда янги корхона иш бошлаганини эшитиб бу ерга келдим, — дейди Учқўприк туманидаги “Янги аср” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Мархабо Қаҳқорова. — Мутахассислар кўмагида замонавий ишлаб чиқариш ускуналарини бошқаришни ўргандим. Меҳнатимизга яраша манфаат кўряпмиз.

Корхона мутасаддилари фаолият кўламини кенгайтиришни ўйламоқда. Эндиликда нафақат хомашё, балки тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Шу мақсадда банкдан 200 минг АҚШ доллари миқдориди сармоя олиниб, пайпоқ тўқиш учун керакли бўлган ип ишлаб чиқариши бошланди. Натижада 60 киши ишли бўлди.



МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА



ТАРАҚҚИЁТ ОҒУШИДА



Фарғоналикларнинг дехқончилик борасидаги тажрибаси тилга тушган. Вилоятнинг ҳар бир даласи, ҳовлисининг қиёфаси буни тасдиқлаб туради. Ерни эъзозлаган барака топади, деган нақл исботини шу ерда қўриш мумкин.

ЕРНИ ЭЪЗОЗЛАЁТГАН ОЛТИАРИҚЛИКЛАР

Кейинги йилларда мева-сабзавот, картошка, гўшт, сут, тухум, асал, балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сақлаш юзасидан муайян ишлар олиб борилди. Сўнгги 3 йилда картошка етиштириш 24 фоизга, сабзавот етиштириш 29 фоизга, мева етиштириш 12 фоизга кўпайди. Айниқса, узумчиликни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Президентимизнинг Фарғона вилоятига ташрифи чоғида белгиланган вазифалар доирасида биргина Олтиариқ туманида шу кунга қадар 3000 гектар узум плантациялари ташкил этилди. Ҳайрат, Янги араб, Бўрболик, Катпўт массивларининг қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларида кооперативлар фаолияти йўлга қўйилди. 10 та тик қудуқ қазилди,

сув чиқарилди, иссиқхона ва боғлар ташкил этилиши натижасида 3 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

— Давлатимиз раҳбарининг хўжалигимизга ташрифи чоғидаги: “Ҳар бир ёшни ота-онаси қандай қайғурса, мен ҳам шундай қайғураман” деган сўзлари барчамизни руҳлантирди, — дейди Олтиариқ туманидаги “Файзли боғлар сари” ёшлар узумчилик кооперацияси раҳбари Сардор Ҳақимов. — Авваллари бу ер кам ҳосилли, тош-шағал экин майдонлари бўлган. Кооперация аъзолари саъй-ҳаракати билан ўтган йилда 640 миллион сўмлик сабзавот маҳсулотлари етиштирилди. Маҳсулотларимиз экспорти 400 миллион сўмдан ошди. Шу кунга қадар 60 гектар майдонда тоқзор, 90 гектарда интенсив боғ, 2 минг

тонна сизимга эга музлаткичли омборхона барпо этдик.

Олтиариқда узумнинг бозорбоп, серҳосил, майизбоп навлари яратилмоқда. Машҳур узумчилар Абдувоҳид Мирза-жонов, Иброҳим Раҳимов эртапишар, серҳосил ва касалликларга чидамли навларни пайвандлаш орқали кўпайтирмоқда. Тадбиркор Исоқжон Бойматов Ҳиндистондан олиб келган узум навини маҳаллий иқлим шароитига мослаштириш йўлида изланмоқда.

— 2021 йил охирига қадар яна 1650 гектар майдонда янги тоқзорлар барпо этилиб, 5000 та янги иш ўрни яратилади, — дейди туман қишлоқ хўжалиги бўлими мутахассиси Умиджон Бозоров. — Ўтган йилнинг ўзига 30 минг тонна, умумий қиймати 25 миллион доллардан ортиқ маҳсулот Россия, Қозғоғистон, Беларус, Бирлашган Араб Амирликларига экспорт қилинди. Бу тумандаги умумий экспорт кўрсаткичининг ўртача 40-45 фоизини ташкил этади. Ушбу саъй-ҳаракатлар узумларни тарқоқ ҳолда эмас, аксинча, йирик плантацияларга навма-нав жойлаштириб экиш, ҳосилни бир жойнинг ўзига экспортга сотиш имконини беради.

Осмонга бўйлашаётган бинолар

Бугун Фарғона вилоятида бунёд этилаётган замонавий бино ва иншоотлар қурилиши ҳар қандай кишида ҳайрат ва ҳавас уйғотиши табиий. Эндиликда улар шаҳарлар марказида эмас, олис туманларда ҳам қуриллаётгани янада қувонарли. Улар кўлаб янги иш ўринлари яратиб бериш билан бирга аҳолининг турар жойга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилаётди.

Президентимизнинг 2020 йил 1 майдаги “Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қўрилиш ва бунёдкорлик қўламини янада ошириш имконини берди.

Рост, яқин йилларга Фарғонада 7-9 қаватли уйлар бармоқ билан санарли эди. 10-20 қаватли уйларни вилоятларда қуриш биз учун тушга ўхшарди. Бугун бу ҳақиқатга айланди. Эндиликда шаҳарлар марказида 12 ва ундан баян бўлган бинолар қурилиб фойдаланишга топширилмоқда. Хусусан, Фарғона шаҳрида тажриба тариқасида 16 қаватли бино қад кўтарди. Барча қўлайликларга эга бундай замонавий уйларга кўчиб ўтганлар буни ҳаяжон ва мамнунилик билан сўзлаб бермоқда.

Маълумот учун айтиш жоизки, 2020 йилнинг ўзига вилоят ҳудудидаги 2258 дан зиёд янги уй-жой фойдаланишга топширилган. Биргина Бағдод туманида бошланган бунёдкорлик ишлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларига намуна бўлмоқда. Хусусан, туман марказидан қарийб 15 километр узоқликда жойлашган Мурувват маҳалласи ҳудудида 50 та кўп қаватли бино қурилиши жадаллик билан олиб бориляпти.

— Оилавий шароитимиз сабабли ижарама-ижара юриб, жуда қийнал-гандим, — дейди Маъмура Рустомова. — Хайриятки, муаммоларимиз “маҳаллабай” асосида ўрганилиб, бартараф этилди. Менга имтиёзли

тарзда 2 хонали уй берилди. Уйнинг умумий қиймати 140 миллион сўм бўлгани боис, бизга субсидия ҳам ажратилди. Натижада 7 миллион сўм тўлаб ўз бошпанамизга кўчиб ўтдик. Бундай эътибордан, ғамхўрликдан жуда хурсандман. Яшашга, меҳнатга бўлган шижоатим ошди. Ҳаммаси учун миннатдорман.

Замонавий массивда маҳалла учун янги бино, ижтимоий соҳа объеклари — 440 ўринли мактаб, 150 ўринли болалар боғчаси, поликлиника, савдо ва спорт мажмуаси, маданият маркази, истироҳат боғи қуриляпти. Электр энергияси, табиий газ, чимчилик ва оқова сув тармоқлари тортилиб, ички йўллар қурилиши бир дам бўлса-да тўхтагани йўқ.

Яшаш манзилига туташ бўлган ҳудудларда янги ишлаб чиқариш тармоқлари ташкил этилаётгани эса аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятини яратмоқда.

Шу мақсадда 100 гектардан зиёд майдонда ҳар бири 10 сотихдан иборат бўлган 1000 та иссиқхона қуриляпти. Иссиқхоналар 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга ажратилган кредит ҳисобига талабгорларга ортиқча расмийчиликларсиз берилляпти.

— Бу ерга кўчиб келганимизга яқинда бир йил бўлади. Туман ободонлаштириш бошқармасида ишлаб рўзгор тебратилган, уй кредитини тўлаяпман, — дейди Гулчехра Қосимова. — Уйимизга туташ ҳудуддаги иссиқхонада 10 сотих жойда лимон қўчатлари парваришляпман. Одам эзгу ният қилиб интилса, ҳаммасига эришар экан. Мамлакатимиз мустақиллигининг қўллуғ 30 йиллигини кўнгилда шундай қувонч, мамнунилик билан кўтиб оламиз.

Ҳудудда ёшлар кичик саноат зонаси қурилиши ҳам жадаллик билан олиб бориляпти. Бу ерда 50 дан ортиқ тадбиркорнинг янги лойиҳалари ишга туширилиб, 850 та янги иш ўрни яратилади.

Қадим тарих, гўзал табиат, ўзига хос имкониятларга эга Сўҳда ҳаёт шуқуҳи ўзгача. Тумanning меҳнаткаш, самимий ва бунёдкор аҳли мустақиллигимизнинг 30 йиллигини янгича қайфият, кўтаринчилик билан қарши олмақда.

ТОҒЛИ ҚИШЛОҚ ЖАМОЛИ

Айниқса, Президентимизнинг “2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори тоғ қишлоғида умргузаронлик қилаётган кексаю ёш ҳаёт тарзини ўзгартирди, хонадонларга фйзу барака олиб кирди, шўкроналик туйғуларини шакллантирди.

Шу кунга қадар 30 километр ички йўллар, йўлаклар асфальтланди, 60 километр йўлга шағал ётқизилди. Аҳолига сифатли электр энергияси етказиб бериш мақсадида 1200 та симёғоч, 30 та трансформатор ўрнатилиб, 50 километрдан ортиқ тармоқ тортилди.

— Бугун Сўҳда 1732 та истиқболли лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу олис юртда табиий хомаёшларни қайта ишлаш, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш турларини ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, экспорт сало-

ҳиятини кенгайтириш, янги ташаббусларни кўллаб-қувватлашга қаратилляпти.

2021 йил давомида инвестиция дастури доирасида 70 та лойиҳа амалга оширилиб, 943 та иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, “Навобот”, “Қалъача”, “Чашма”, “Равон”, “Хушёр” маҳалла фуқаролар йиғинларида олти гектар майдонда кичик саноат зоналари ташкил этилди.

— Худудимиз қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун керакли бўлган табиий хомаёшларга бой. Аммо ундан самарали фойдаланиш имконияти йўқ эди, — дейди “Навобот” саноат зонасидаги “Хонгузари Мирзобек” МЧЖ раҳбари Олимжон Додомуллаев. — Яқингача барча турдаги маҳсулотлар, айниқса, қурилиш ашёлари вилоятимизнинг бошқа шаҳар ва туманларидан олиб келинади. Энди бунга ҳожат қолмади.



ҳиятини ошириш имконини беради, — дейди Сўх туман ҳокими Сайидбаҳром Сайидмусаев. — Аҳолини иш билан таъминлаш, фаровонлигини ошириш борасида ўзига хос чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Асосий эътибор ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий ҳолати, аёнана ва урф-одатларини ҳисобга олиб хунармандчилик, томорқчилик, чорвачилик ва бошқа

Сўх туманида айна кунда аср иншооти сифатида эътироф этилаётган самолёт ва вертолётлар учун учуш-қўниш майдончаси — аэродром қурилиши жадаллик билан давом этмоқда. Майдони 7 гектардан ортиқ бўлган бу иншоотта давлатимиз бюджетидан салкам 7 миллиард сўм маблағ ажратилган.

ЛОЙИҲАЛАР ЯРАТАЁТГАН ИМКОНИАТЛАР



Олтиариқ туманининг Катпўт массивидаги 8 гектар ерда ташкил этилган “Янги Олтиариқ ёшлари” кичик саноат зонасига тамал тоши қўйилди. Бу ерда умумий қиймати 75 миллиард сўмдан зиёд 56 та янги лойиҳа амалга оширилмоқда. Енгил саноат, озик-овқат, чарм-пойабзал, мебель, қўғоз, қурилиш материаллари, кимё ва электротехника йўналишларида ташкил этилаётган янги лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 1168 нафар ёш иш билан таъминланади.

— Қурилиш учун пардоз буюмлари, лак-бўёқ ишлаб чиқариш борасида иш олиб боряпмиз, — дейди лойиҳа ташаббускори Мухторали Умаров. — Маҳсулотлар маҳаллий хомаёшлардан тайёрланади. Бу ишга ака-укалар ҳамжиҳатликда қўл урдиқ. Илгари кунлар исиши билан иш излаб ўзга

юртларга борардик. Энди бунга ҳожат қолмади, аксинча, маҳалламиздаги 5 нафар ўртоғимизни ҳам ишга жалб этамиз.

Кичик саноат зонасида инфратузилма тармоқлари қурилишига алоҳида эътибор қаратиллягани лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш, маҳсулот тури ва сифатини яхшилашда қўл келмоқда.

— Кичик саноат зоналари тадбиркорларга қўшимча қўлайликлар яратиш, уларни кўллаб-қувватлаш орқали ҳудудлар салоҳиятини ошириш, иқтисодиётини мустаҳкамлаш имкониятини беради, — дейди Фарғона вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекция раҳбари Ваҳобжон Хошимов. — Айниқса, кичик корхоналар “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва

“Ёшлар дафтари”га киритилган ишсиз фуқароларнинг бандлиги таъминлашда қўл келмоқда. Бундан ташқари, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилляпти. Тадбиркорларнинг ҳудуд ёки ҳар бир маҳалла кесимида “Усиш нуқталари”дан келиб чиққан ҳолда лойиҳаларни амалга ошириши самарадорликка хизмат қилади. Шунингдек, маҳсулотларни ички бозор билан биргаликда экспортга йўналтириш кўзда тутилгани билан аҳамиятли. Бу ҳудудларнинг саноат салоҳиятини оширади, ижтимоий-иқтисодий тармоқлар ривожланишига ҳисса қўшади.

Белгиланган дастурлар доирасида, 18 та “Ёшлар кичик саноат зонаси”да жами 1649 миллион сўмлик 74 та лойиҳа ишга туширилади, натижада 1649 дан ортиқ иш ўрни яратилади.



ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш, экспортга жўнатишга бўлган талаб орди, шу боис, янги имкониятлар яратилди. Эндиликда фақат хомаёш эмас, балки тайёр ипак матолари ишлаб чиқариш қўлами ҳам кенгайди.

Президентимиз ташаббуси билан ўтган йили иш бошлаган “Хунармандлар маркази” кўҳна юрт хунармандларини бир мақсад сари бириштирди. Давлат шерикчилик асосида ташкил этилган масканда моҳир уста Иброҳимжон Султонов хунармандлик аёнчаларини тиклаш, ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келади. Бу ерда ипак матоларни тараш, абарбанд усулида гул солиш, мато тўқиш, тикиш, тайёр маҳсулот сифатида сотиш, экспортга йўналтириш каби барча жараёнлар амалга оширилмоқда.

— 50 турдан зиёд тоза табиий ипакдан гилам, атлас, шойи, адраслар тайёрлаймиз. Маҳсулотларнинг асосий қисми Туркия, Қозғоғистон, Россия ва бошқа Яқин Шарқ мамлакатларига экспорт қилинмоқда,

бослар тайёрлашга ҳам буюртма беришлари мумкин. Энг муҳими, бу ишларни ўз кўзлари билан қўришга қизиқаётган сайёҳлар сафи кундан кунга ортиб бормоқда.

Корхонадаги 11 та ишлаб чиқариш цехида 600 нафардан ортиқ хотин-қиз ишлайди, яна 1500 нафарга яқин аёл уй шароитида касаначилик асосида маҳсулот етказиб беради. Икки қаватли марказда атлас, адрас, шойи, баҳмал, бекасма матолар ҳам тўқилади. Масалан, қуйи қаватда тайёр маҳсулотлар кўргазмаси, чевархона ўрин олган. Бу ердаги дўконда матога гул чизиш, боғлаш, давра, қад тайёрлаш жараёнлари кўргазмали тарзда намойиш этилади. Бинонинг иккинчи қаватда эса гилам цехи жойлашган.

Ипакдан гилам тўқиш мураккаб амаллардан ҳисобланади. Бу касб сабр-бардошни талаб этади. Битта гилам тайёр ҳолга келгунча йиллар зарур. Аммо тайёр маҳсулотларга боқиб, марғилонлик аёллар қалб қўри билан тайёрланган гиламларга ошуфта бўлиб қоласиз.




Қўшаҳифани “Янги Ўзбекистон” муҳбири Расулжон КАМОЛОВ тайёрлади.



ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

БОБУР АРМОНЛАРИ УШАЛАДИ



Илгари “Ҳамма нарса инсон учун, унинг бахт-саодати учун” деган шиор бўлар ва у барча шахару қишлоқлар қўчаларини, ташкилот ва муассасалар пештоқини безаб турарди.



Қамчибек КЕНЖА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси аъзоси

Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги мен туғилиб ўсган Гуриров қишлоғи икки азим дарё — Қорадарё ва Тентаксой оралигида жойлашган бўлиб, вилоятдагина эмас, мамлакатдаги энг хушманзара, сўлим, нисбатан обод, фаровон қишлоқлардан бири. Яна бир муҳим жиҳати — мўъжазгина: умумий майдони минг гектарга етар-етмас, аммо қарийб ярми пахтазор, бугдойзор, шолізор, тутзор, теракзордан иборат, қолган ярмида саккиз мингдан зиёд аҳоли истикомат қилади. Кунчиқиш шундай аталарди) деган ваҳимали хайқирғи мириқиб ухлаётган қишлоқ ахлини уйғотар ва ҳамма зарур кўч-кўронини анип-тапиб йиғиштириб, дарвозадан ташқарига — йўл бўйига олиб чиқиб, янги буйруқни қутганча юракларини ховучлаб ўтирарди. “Сув қайтди-и-и!” деган хушхабардан кейингина енгил нафас олиб, уйларига кириб кетарди.

Орада мен қарийб 20 йил Тошкентда ўкиб, ишлаб, яшадим. Ушанда ҳам ҳар баҳор бир қулоғим Гуриров тарафда бўлар, ё келиб, уйдагилардан хабар олиб кетардим. 1985 йили оиламиз билан қишлоққа қайтди. Ҳамон ҳар баҳор ўша ваҳима, ўша ҳавотир, ўша таъвишлар давом этарди. Қишлоғимизни туман, вилоят марказлари билан боғлайдиган кўприкнинг ёнида бесаранжом одамлар йиғилиб, ғала-говур бўлиб кетар, сув ўҳжалиги ташкилотларининг бошлиқлари келиб қоларди. Бир уловга мўлжалланган, узунлиги 50 қадам атрофидаги кўприкнинг ҳар икки томонида самосваллар пайдо бўлиб қоларди. Дарёнинг Гуриров ва Тошкени қишлоқлари тарафдаги қирғоқларига қум тўлдирилган қопу катта харсанглар босилар, тошқин уларни оқизиб кетса, яна шу ҳол такрорланарди. Менимча, харсанглар 60-70 қақирим наридан — Булоқбоши туманидан олиб келинарни.

Йиллар ўттиши билан тошқин ваҳимаси кўтарилган маҳаллаларда гурировликлар ёш болалари, мол-қўйларини, зарур қўчларини кўприкнинг нариги томонидаги нисбатан баланд, тинч қишлоқлардаги қариндош-уруғ ё яқин танишлариникига олиб бориб қўйишни ўрганди. Ўзлари сув тоша бошлаши билан қочишга шай бўлиб турарди. Ниҳоят, 2020 йилнинг охири — 2021 йил бошида Тентаксоининг Гуриров ва Тошкени қишлоқлари тарафдаги қирғоқларига қум тўлдирилган қопу катта харсанглар босилар, тошқин уларни оқизиб кетса, яна шу ҳол такрорланарди. Менимча, харсанглар 60-70 қақирим наридан — Булоқбоши туманидан олиб келинарни.

Йиллар ўттиши билан тошқин ваҳимаси кўтарилган маҳаллаларда гурировликлар ёш болалари, мол-қўйларини, зарур қўчларини кўприкнинг нариги томонидаги нисбатан баланд, тинч қишлоқлардаги қариндош-уруғ ё яқин танишлариникига олиб бориб қўйишни ўрганди. Ўзлари сув тоша бошлаши билан қочишга шай бўлиб турарди. Ниҳоят, 2020 йилнинг охири — 2021 йил бошида Тентаксоининг Гуриров ва Тошкени қишлоқлари тарафдаги қирғоқларига қум тўлдирилган қопу катта харсанглар босилар, тошқин уларни оқизиб кетса, яна шу ҳол такрорланарди. Менимча, харсанглар 60-70 қақирим наридан — Булоқбоши туманидан олиб келинарни.

вақтда унда уч ярим мингдан зиёд аҳоли яшайди. Оролга ўхшаш ҳудудга тушиб қолган тўраободликлар туман марказига 5-6, вилоят марказига 15 дақиқада етказиб қўйдиган Андижон — Маданият йўли бўйидаги Урганжи қишлоғи билан ёндош яшайди. Уртада фақат бир дарё — яна ўша асов, энди Катта Фарғона канали суви билан қўшилиб оқадиган Тентаксой бор, ҳоло. Лекин дарёда кўприк йўқ. Бир замонлар Қумбосди деган маҳаллага ва ундан Андижон — Пахтаобод йўлига ўтиладиган кўприк бўлган, аммо уни ҳам тошқин қишлоқлари орқали етиб бортунча қанча ортиқча вақт, умр, қанча асаб сарфлашини тасаввур қилиш қўраверинг. Қолаверса, иссиқ жон, ярим тузда қай бир кекса ё бошқа бир беморга теж ёрдам қақиршига, кимнидир шошилиш Андижонга туғруқхонага олиб боришга тўғри келиб қолади...

“Бола йиғламаса, она эмизмайди” мақолини шиор этган Тўраобод аҳли собиқ педагог-раҳбар, жонқуяр, ташкилотчи инсон Ҳусанбой Орифжон ташаббуси билан ва етакчилигида узок йиллар ариза кўтариб бормаган маҳкамалари қолмаган. Дўппидайгина маҳалла аҳолисининг йирик сармоё кетадиган катта кўприк талаб қилиши мутасадди раҳбарларга қуюшқондан ташқари эркаликдай, андишасизликдай туолган бўлса ҳам, эҳтимол. Бу орада аризачилару орзумандларнинг



бир қанчаси бу орзуга етопмай ўтиб ҳам кетди. Хайриятки, чин инсонларварлик замонлари келди-ю, тўраободликлар осмонидан ҳам ҳузурубаш шабдадалар эсиб қолди. Тўраобод билан Урганжи орасига, хийлагина чукр оқадиган Тентаксой устига 5 миллиард сўмлик, узунлиги 73, эни 8 метрлик кўприк қурилиши лойиҳалаштирилди ва 2020 йилнинг 4 июнь кунини аҳолининг ярим асрлик орзу-армонлари ўшалиб, кўприкни ишга тушириш маросими катта шодийнага айланиб кетди. Кўприкнинг икки томонига салкам икки километрни янги йўл қурилиб, асфальтланди.

Сирасини айтганда, мазкур кўприк нафақат тўраободликлар, балки Гуриров, Бойкечик, шунингдек, Пахтаобод — Андижон йўлидаги бир неча қишлоқ аҳлининг ҳам узогини яқин, мушуқлини осон қилди. Улар ҳам вилоят маркази ва ундан наридаги шахарлару бошқа манзилларга Гуриров, Тошкени, Чувама, Қўғай, Каналбўйи билан айланиб юриш машаққатидан фориғ бўлди. Бинобарин, асрий орзулари рўёбга чиқ-



қан, қанча ёнилғи, қанча фурсатлари — қимматли бойлиқлари тежалаетган, умрлари янада фаровонликка юз тутган одамлар нечук энди шундай қўлайликлар, енгилликлар, ғамхўрликлар учун миннатдор бўлмасин, шукр қилмасин. Ахир бундай муаммоларни аввалроқ ҳам ҳал этиш мумкин эди, лекин у даврларда халқларварлик, инсонларварлик ваъдалари, хитоблари фақат тилларда, шиорларда эди...

Шу йил 17 июнь кунини Президентимиз Шавкат Мирзиёев Янги Андижон шахри пойдеворига тамал тоши қўётганда ҳаёлимдан, кўз олдимдан юқоридаги

махсус автобусларда Янги Андижон шахри қурилиши режалаштирилган адирликларга чиққаннимизда текислаш ишлари олиб борилаётган жуда катта майдонда бир хил кийимдаги тумонат ишчилар қўлларидаги байроқларни хилпиратиб кутиб олди. Атрофда эндигина тин олган беҳисоб ва ранг-баранг техника воситалари саф тортди, учишга шайланган шунқорлар ғаласидай ишга шай бўлиб туришарди.

Осмон мусасффо, ғир-ғир эсаётган шаббода ёз офтобиди қизиган таналаримизни кўнгишларимизга ҳузув бағишларди.

— Шу баҳаво жойда қуриладиган шахарда яшайдиганларга ҳавасим келаяпти, — дея лутф қилди пойтахтдан келган меҳмонлардан бири.

Қалбимни ҳажжон ва ҳайрат эгаллади. Бунча юксакликда, бундай шароитда 450 минг аҳоли яшайдиган 4 минг гектарли шахарни тасаввур қилишимиз, тўғриси, бир оз қийин бўлди. Тақир,



туя ўрқачларидай баланд-паст адирларни текислаб элақага келтириш, юзлаб кўп қаватли бинолар кўтариш, сув, электр энергияси, оқова-каналлизация ва бошқа зарурий омиллар билан таъминлаш, дов-дарактлар экиб қўлқартириш... Эҳ-ҳе, ҳазилакам маблаг, ашё, вақт кетадими?..

— Мен Андижонда турар жой масаласини қандай ҳал қилса бўларкан, деб икки йил ўйладим, — дея гап бошлади давлатимиз раҳбари гўё менинг хайрат-таажжубо иштибоҳларимга жавоб бераётгандай. — Туркиянинг тоғли ҳудудларидаги, тоғ ёнбағирларидаги тепага қараб ўрлаб кетган саноксиз уйларни эсладим ва Андижон шахридан юқориқордаги беоён адирликларни кўз олдимга келтирдим. Неге энди ана шу тепалиқларни текислаб қурилиш қилиш, шахар бунд эйтиш мумкин эмас, дея савол бердим ўзимга. Туркиялик лойиҳачи, уйсозлар билан, ўзимизнинг қурувчи-мутахассислар билан кенгашидик, қайта-қайта муҳокама қилдик, бу ердаги шароитни ўргандик ва мумкин деган ҳулосага келдик. Биз энди Андижонда тўрт қават пастга, ўн беш қават юқорига қараб уйлар қурамыз, бошқа чора йўқ...

Дарҳақиқат, Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция таркибидида юрганимда Туркиянинг Истанбул шахрига қираверишдаги бир-бирига мингашиб тоғ чўққисига чиқиб кетган, шакли-шамойили хилма-хил ва ўзига хос уй-жойлар, шунингдек, Афғонистон пойтахти — Кобулнинг шимол томонидаги қунчиқшдан қунботишга қараб ястанган Кобул тоғлари ёнбошидаги уй, бинолар энг тепагача зина-зина бўлиб борганини қўриб хайратдан ёқа ушлаганимиз, у жойларда экин ерларини тежаш учун шундай уйлар қуришса керак, лекин бу мамлакатларнинг ҳудудлари катта-ку, дея мунозара қилганларимиз ёдимга тушди...

Президентимиз ҳар гал Андижонга келиб, фаоллар билан йиғилиш ўтказганида гапни буюқ шоир ва саркарда Заҳриддин Мухаммад Бобурдан бошлайдими, унинг 47 йилгина умри мобайнида қилган оламшумул ишларини, ижодий, ижтимоий фаолиятини ибрат қилиб кўрсатади. Бу гал эса ушбу мавзуга янада кенгрок тўхталди, Андижоннинг бу улўф фарзандини кўп ёдга олди, кўп алқиди.

— Агар тақдирнинг адолатсиз шамоллари Бобур Мирзони Хуросону Ҳиндистон томонларга олиб

кетмаганида, Тожмаҳалу бошқа мухташам ёдгорликлар Андижонда қуриларди. Ахир у Андижонда туғилган-ку! Демак, биз Бобур Мирзонинг орзу-армонларини ушалтиришимиз зарур, — деди давлатимиз раҳбари.

Ҳа, юрт обод бўлса, эл фаровон бўлади, юрт обод, эл фаровон бўлса, армонда кетган аждодлар руҳи ҳам шод бўлади. Бобур Мирзо Андижондан мана шу адирлар орқали қиқиб кетар экан, давлатимиз раҳбари айтганидай, шубҳасиз, қачондир ватанга қайтиб келишига ишонган, туғилиб-ўсган она шахрида мухташам иморатлар, ўлмас обидалар барпо этишни ўйлаган, қўнғилга туккан бўлиши керак.

Шавкат Мирзиёев Андижон адирлари устига 8 босқичда қурилажак Янги Андижон шахри билан боғлиқ режалар, лойиҳалар ҳақида тўлқинланиб сўзлар экан, залда ўтирганлар кўз олдида невар-чеваралари ҳузув-ҳаловатда яшайдиган кўп қаватли, замонавий уй-жойлар қатори боғча, мактаб, поликлиника ва бошқа муассасалар, истироҳат боғлари хиббонлардан иборат ям-яшил ҳудудлар намоён бўлар эди. Шундай ҳаёл ва тасаввурларни вилоят фахрийларидан бири, узок йиллар Андижон шахрига ҳокимлик қилган Абдуллажон ҳожи Собиров “Афсонавий шахар бўлади”, деган жумла билан жуда аққол ифодалади.

Президентимиз Андижон шахридаги Бобур номи билан аталувчи шоҳқўчаннинг темир йўл бекатида тўғри келиб қолгани боис, узилиб қолган қисми Самарқанд тажрибаси асосида, монолит услубда қурилажак қарийб 700 метрлик кўприк-йўл орқали уланишини айтганида залда гулдурс қарсақлар бўлиб кетди. Чунки бу ҳам андижонликларнинг кўп йиллардан бери амалга ошмай келаётган орзуси эди. Вилоятда металлургия, электромобил заводларини қуриш режалаштирилаётгани эса қўтилмаган хушхабар бўлди. Келгусида Андижон ва Янги Андижон шахарларини боғловчи метро қуриш масаласини ўрганиб чиқиш мутасадди-мутахассисларга тайинланганида халқнинг кўкси янада баланд кўтарилгани, шубҳасиз.

Президентимиз Андижоннинг қаери-га бормасин, ҳамма жойда халқ турмуши, янги иш ўринларининг яратилиши, одамларнинг давлат ҳодимлари хизматидан розилиги масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Шу билан бирга, Андижон вилоятини камбағалликдан ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантиришдек янги мавзу, янги шиорни илгари сурди, бошқа кўп соҳалардаги сингари бу борада ҳам Андижон тажрибаси яратилишига умид ва ишонч билдирди.

Менимча, давлатимиз раҳбари Пахтаобод туманининг Бўстон мавзесидagi “Мего агро” масъулияти чекланган жамияти томонидан илгари



тош-шағал каръери бўлган 6 гектар майдонда Испания технологияси асосида қурилган, дастлабки ойларда ноқ “Айсберг” қарами гурикарб мева ураётган, яна помидор, бодринг ва уларнинг қўчатлари, ҳар хил қўкатлар ештиштиришга мўлжалланган, юз ишчи ўринига эга очик ва ёпиқ иссиқхона билан, Избоскан туманидаги 3 мингдан зиёд киши истикомат қиладиган, ўнлаб кичик бизнес субъекти аҳоли бандлигини таъминлаш борасида муҳим омил бўлаётган “Урганжи” маҳалласида меҳнаткашлар ҳаёти, турмуш

тарзи, тадбиркорлик фаолияти билан, “Қўғай” маҳалласидаги “Соҳиб омад баракаси” кластери томонидан ишга туширилган, қиймати 2,5 миллион АҚШ доллари бўлган лойиҳа доирасидаги йилгига 3 миллион 500 минг тайёр трикотаж ишлаб чиқариш қувватига эга, маҳсулотлари юз фоиз экспортга йўналтириш режалаштирилган, ҳозирнинг ўзида 830 нафар хотин-киз ишлаётган тикув-трикотаж корхонасидаги жўшқин меҳнат фаолияти билан танишиш асносида юқоридагидай қарорларга келган бўлса, ажабмас. Балки давлатимиз раҳбари қўли-қўлига тегмай чок тикаётган, юз-кўзларида эртанги кунга, янада фаровон ҳаётга умид ва ишонч балқиб турган опа-сингилларга қарата бежиз қўйадиганларни айтмаганидир:

— Сизларга ўзимнинг ҳурматимни, муҳаббатимни билдираман. Ўзларингиз яшайдиган қишлоқда ишли бўлганингиздан хурсандман. Қачон Избосканда мана шундай замонавий корхона бўлган? Бу ишларни яна давом эттирамиз. Хотин-қизларимиз учун ҳамма шароитларни яратамиз. Аёл ишли бўлиб, кайфияти яхши бўлса, оиласи ҳам бахтли бўлади.

Ҳа, мамлакатимизнинг ҳамма жойида бўлгани каби Андижон вилоятида ҳам катта қурилишлардан ташқари фермерлик ва бошқа тадбиркорлик турлари кенг қўлоқ ёймоқда. Зеро, бу соҳаларга чинакам эркинлик ва катта имкониятлар берилаётди, Президентимиз томонидан ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётди. Илгари ҳам фермер ва бошқа тадбиркорларга имконият яратиш ҳақида гап бўлар, аммо амалда уларни, ҳатто мавзуга умуман алоқаси йўқ мактаб директорларига боғча мудирларини ҳам тўллаб, ҳар кун икки маҳал — эрта тондан пешингача ва намозшомдан ярим тунгача йиғилиш қилиниб, ишлашга вақт, имконият берилмасди. Аксинча, ҳоритиб-чарчатилар, рағбат деган нарса йўқ, билъакс, нуқул танбех ва даққи берилар, иззат-нафсга тегилиб ҳақорат қилинар, гўё мақсад ишдан қўнғилларни совитишдан иборат эди. Чиндан-да кайфияти бузилган, руҳи тушган одамларнинг ҳафсаласи пир бўлиб, қўли ишга бормай қоларди. Боз устига, ишловчидан бююрувчи, ўргатувчи, назоратчи, тафтиш қилувчи кўп эди. Оқибатда ҳеч кимнинг бири икки бўлмай, фермерлик ҳам, тадбиркорлик ҳам олға силжимай, бир жойда депсиниб тураверарди.

Икки кунлик таширф мобайнида кўздан кечирилган бошқа объектлар, масалан, чор айвон ва чор дарвоза услубида қайта тавмирланиб жиҳозланган, сигими 5 мингдан 15 минг ўринга етказилиб, Марказий Осиёдаги энг йирик ибодатгоҳлардан бирига айланган Андижон шахри бош жоме масжиди, Андижон туманидаги Андижон гуллар боғи ҳам мамнун этгани Президентимизнинг дил сўзларидан аён эди. Яқинда тавмирдан чиқарилган, уч қаватли пуриқор бинога жойлашган Заҳриддин Мухаммад Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази айрича таассурот қолдирди, десак асло муболага эмас. Давлатимиз раҳбари 872 минг китоб фондига эга ушбу илму дониш хазинасига баҳо берав экан, “бу жой Андижон вилоятининг маънавий марказига айланиши зарур”лигини алоҳида таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев вилоят фаолари билан бўлган учрашув ва мулоқотларда андижонликлар томонидан ишлоқотларни ҳаётга татбиқ этиш борасида эришилган муваффақиятларни эътироф этиш билан бирга, йўл қўйилаётган камчиликлар, баъзи соҳалардаги сусткашликлар, халқ орасига,



одамларнинг қалбига чуқурроқ кириб, даррларига яхшироқ қўлоқ солиш, бунинг учун иктисодий комплексдаги раҳбар-ҳодимларнинг фаоллашуви, муаммоларни жойида, пухта ўрганиб, вақтида ҳал этиш лозимлигини қайта-қайта уқтирди.

Хулоса қилиб бундай демокиман: вилоятимиз аҳли Президентимизнинг “Андижонда ҳалоллик бор, андижонликлар оғир кўнларини кўп қўрган, бугунги кўнларнинг қадрига етати”, деган баҳоси ва ишончини албатта оқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Ҳамдам Бердибаевга отаси

Курбанбай БЕРДИБАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти) ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 2177.

76851 нускада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шахар кўчаси, 1-А уй. Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева Мусахҳи: Асолат Шербекова Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими: 100029, Тошкент шахри, Матбўтчилар кўчаси, 32-уй

Ўза якуни — 00:55 Топширилди — 01:00